

TARIX VA JAMIYAT

HISTORY AND SOCIETY
ИСТОРИЯ И ОБЩЕСТВО
общественный электронный
ЖУРНАЛ

—
JOURNAL
2022

№3

Бош муҳаррир:

Пардаев А.Ҳ. ЖДПИ, тарих факультети декани, т.ф.н. доцент.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ақчаев Ф.Ш. ЖДПИ, тарих факультети, т.ф.б.ф.д. (PhD), доцент.

Масъул котиблар:

Саидов Ж.О. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Хўжанова М. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Таҳририят аъзолари:

1. Сагдуллаев А.С. – тарих фанлари доктори, Академик,
2. Аҳмедшина Ф.А. – тарих фанлари доктори, профессор,
3. Шодмонова С.Б. – тарих фанлари доктори, профессор,
4. Очилова Б.М. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
5. Чориев С. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
6. Туленова Г. Ж. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
7. Пардаев М.Ҳ. – тарих фанлари доктори, доцент,
8. Ғойибов Б.С. – тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
9. Ярмагов Р. – педагогика фанлари доктори (DSc), доцент,
10. Саидқосимов А.И. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент,
11. Амануллаев А. – ф.ф.б. фан доктори (PhD), доцент,
12. Тошбоев Ф.Э. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
13. Миркомиллов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент,
14. Саидов М. – фалсафа фанлари номзоди, доцент,
15. Ғофуров Ж. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
16. Ҳошимхонов М.Х. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент
17. Валиев А.Х. – катта ўқитувчи,
18. Мажидов А.С. – катта ўқитувчи,
19. Каримова Н. – ўқитувчи,

Тарих ва Жамият илмий журнали
ИЛК ЎРТА АСР ИСЛОМ ФАЛСАФАСИНИ ЎРГАНИШНИНГ
МЕТОДОЛОГИЯСИ.

Ф.Маматқулов – ЖДПИ доценти

А.Абдурахмонов – ЖДПИ ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Ислом фалсафасида билиш назарияси асоси ҳисобланган Шарқ ва Ғарб олимларининг методологик ёндашувлари ҳамда Ислом фалсафасини ўрганиш методологиялари қиёсий тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Ислом фалсафаси, ислом цивилизацияси Шарқ, Ғарб, индивидуализм, билиш, Мутлоқ борлик, эътиқод, маърифат. ҳақиқат, ваҳий, Илоҳий донишмандлик.

Аннотация: В статье сравниваются методологические подходы восточных и западных ученых, лежащие в основе теории познания в исламской философии, а также методологии изучения исламской философии.

Ключевые слова: исламская философия, исламская цивилизация Восток, Запад, индивидуализм, знание, Абсолютное бытие, вера, просвещение, правда, откровение, божественная мудрость.

Annotation: In this article it is stated the methodological approaches of Eastern and Western scholars, in which are the basis of the theory of knowledge in Islamic philosophy, as well as the methodology of studying Islamic philosophy.

Keywords: Islamic philosophy, Islamic civilization East, West, individualism, knowledge, Absolute existence, faith, enlightenment. truth, revelation, Divine wisdom

Бугунги кунда Ислом фалсафасини тадқиқ этишда назарий асос билан бир қаторда методологик ёндашувлар ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ғарб ва Шарқ олимлари ислом фалсафаси вакилларининг табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий қарашларидаги аниқ ютуқлар, назарий-услубий жиҳатларнинг замонавийлигини таъкидлайди. Бу уларнинг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссаларини яна ҳам чуқурроқ кўрсатишга, янги тарихий-фалсафий услубиятни ишлаб чиқишга, умуминсоний ва миллий кадриятлар уйғунлигини кенгроқ кўрсатишга ёрдам беради. Шунинг учун замонавий исломнинг ижтимоий-фалсафий асосларини ўрганиш бўйича қарашлар асосан уч йўналишда ифодалангани аниқланади:

а) Шарқ файласуфларининг билвосита ва бевосита фалсафий қарашларини таҳлил қилиш;

б) Шарқ ва Ғарб олимларининг табиий-илмий муаммоларини ҳал қилиш жараёнида концептуал ёндашувлари ҳамда улар билан боғлиқ бўлган фалсафий масалаларни ҳал қилиш;

Тарих ва Жамият илмий журнали

в) Ғарб файласуфларининг таълимотларини ва унинг фалсафий асосларининг муҳим жиҳатларини тадқиқ этиш.

Ислом фалсафасини тадқиқ этишда Шарқ олимлари тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шарқ олимлари замонавий ислом фалсафаси асослари ва методологиясини ишлаб чиқишда асл манбаларга таянган ҳолда илмий тадқиқотлар олиб бордилар ва маълум ютуқларга эришдилар.

Ғарб исломшунос олимлари ислом фалсафасининг илмийлик тамойилларини ўзлаштириб олган бўлсада, унинг диний ғояларига объектив баҳо бермади. Шунинг учун, Ғарб кишисига хос индивидуализм унинг жамиятдан тобора келажакдан чўчиш ҳолатлари мавжудлиги билан ҳам белгилаш мумкин.

Т.Ж.Уинтер “XXI асрда ислом” номли асарида замонавий исломнинг фалсафий асосларини ўрганишда Шарқ ва Ғарб тажрибасини биргаликда олиб бориш зарурлиги ҳақида ёзади. Шунингдек, биринчи навбатда йигит-қизларга анъанавий шаръий илмлар билан бир қаторда бугунги дунё маданий ва интеллектуал тилини ўргатадиган муассасалар ташкил этиш кераклигини таъкидлаб ўтади¹. Т.Ж.Уинтер ўз илмий тадқиқотларида тарихийлик методидан фойдаланган ҳолда ислом фалсафасининг тарихий-фалсафий асосларини чуқур таҳлил қилади. Бугунги кунда Ғарб маданияти инқирозига ечим топишда Шарқ фалсафасининг ўрни юқори эканлигини таъкидлайди. Зеро, Постмодернизм дунёда Ғарб евроцентризм, Осиё осиецентризм ғояларига асосланади. Т.Ж.Уинтер фикрича, бугунги жамият муаммоларини таҳлил қилиш ва ечим топишда ислом фалсафасини янгича баҳолаш ва кенг миқёсида илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳимлигини эътироф этади.

“Исломда Худо сари йўл фақат билиш орқали бўлади, шунинг учун ҳар бир инсоннинг пировард мақсади, Худога яқинлашишнинг мумкин бўлган босқичи – Мутлоқ ҳақиқат ёки Олий билимга эришиш бўлиши керак” деб таъкидлайди, ҳозирги замон ислом файласуфи Сайид Ҳусайн Наср². “Мутлоқ ҳақиқатни билиш ва самовий ҳоҳишга муофиқ ҳаёт кечириш – инсоннинг бу дунёдаги охириги мақсади ва бурчидир”. Мутлоқ ҳақиқат деганда инсоннинг “Худо билан ўзини ўзи билиши” ёки “Илоҳий донишмандлик”, яъни “ҳар бир диний ваҳий марказида ётадиган муқаддас билим” тушунилади.³

Сўфийлик изидан бориб, С.Наср эътиқод ва билимнинг трансцендент бирлиги ғоясига таянади, уларнинг тафовутларини эса куйидагича шарҳлайди. Ердаги, яъни эмпирик дунёдаги эътиқод ташқи ақидавий шаклда

¹ Қаранг Уинтер Т.Ж. XXI аср ислом. – Тошкент., Шарқ 2005. 368 б.

² Наср С.Х. - Филадельфия (АҚШ)нинг Темпл университети ислом бўлими бошлиғи, фалсафа фалсафа фанлари доктори, профессор. Ислом фалсафасига оид кўплаб асрлар муаллифи.

³ Nasr S.H. Knowledge and Sacred. – N.Y., 1981. – P. 160.

Тарих ва Жамият илмий журнали

мавжуд, унга воқелик тўғрисидаги билим зид келиши мумкин. Ақлга ва эътиқодга доир билимларнинг манбаи бўлиб интеллект хизмат қилади. Шу боис ҳар қандай билим “муқаддас тусга эга”. Бундан атроф-дунёни ақл билан билиш эътиқоддан четга олиб чиқувчи эмас, балки унга олиб борувчи йўл сифатида қаралиши кераклиги келиб чиқади. Унга кўра, Олий ҳақиқатга эришиш барча нисбий борлиқлар интиладиган мақсадга ўхшаб, интеллект мавжуд бўлган билим ҳам ҳар қандай билишнинг пировард мақсадидир. “Интеллект” субстанциянинг моҳияти ҳақидаги билим субстанциясидир, ёки бошқача айтганда, “Манба ва сарчашма тўғрисидаги билим ҳар қандай билимнинг манбаи ва сарчашмасидир”⁴

С.Ҳ.Наср диний эътиқодни инсоннинг энг муҳим ва негиз бўлувчи хислати сифатида ажратади. У ақл қобилятини эътиқоддан ҳосила ва шундан келиб чиққан ҳолда у бутунлай унга боғлиқ, деб эълон қилади. “Интеллект ҳар доим ақлнинг асосий қоидаси бўлиб қолади: ақлнинг фаолияти, агар у соғлом ва нормал бўлса, зарур тарзда интеллектга йўналтириши керак”. Файласуфнинг таъкидлашича, интеллектуал интуиция билишнинг энг юқори шакли ҳисобланади.

Ислом цивилизацияси, деб қайта-қайта такрорлайди Наср, инсон унга ҳос бўлган қизиқувчанлик туфайли эмас, балки амалий мақсадда – инсоннинг асосий эҳтиёжларини қондириш учун воқеликни билишга интилган. Бу ерда сўз дунёвий табиати билан шартланган утилитар – амалий эҳтиёжлар ҳолида ҳам, унинг илоҳийлик билан белгиланган мутлоқ ҳақиқатга эришиш эҳтиёжи тўғрисидаги борганли боис, ўрта аср мусулмон жамоаси табиат тўғрисидаги билимнинг икки турига йўл очади. Унинг феноменларидан бири кишиларга кундалик фаолиятида фойда келтирадиган, “оддий бир мавжудот сифатида инсоннинг жисмоний ва ижтимоий эҳтиёжларини қондирадиган” хусусиятилари бўлса, иккинчиси унинг энг олий маънавий эҳтиёжларини қондириш учун керак бўлган билимлар тизими эди. Ўзини билган инсон Ҳудони билишга келади, зеро “ўзини билган инсон ўз Парвардигорини ҳам билади”.⁵

С.Наср қарашларида таҳлил қилган ҳолатда шуни айтиш мумкинки, инсон ақли ўқиш, хулосалар чиқариш, тажриба ва шу кабилар орқали шакллантирилган ҳамда ҳосил қилинмаган, бевосита интуицияга монанд бўлган ақл сифатида қаралади.

⁴ Хромова К.А. Концепция синтеза науки и религии современного иранского философа С.Ҳ.Наср// Рационалистическая традиция современность. Ближний и Средний Восток /Отв. Ред. Фролова Е.А. – М.: Наука, 1990 – С.229

⁵ Хромова К.А. Концепция синтеза науки и религии современного иранского философа С.Ҳ.Наср// Рационалистическая традиция современность. Ближний и Средний Восток /Отв. Ред. Фролова Е.А. – М.: Наука, 1990 – С.229

Тарих ва Жамият илмий журнали

XX асрнинг машхур ислом файласуфи Али ат-Тантовий ҳам “Ислом ҳақида умумий тасаввур” асарида ислом гносеологиясига оид мулоҳазаларини баён қилади. Ушбу асар бошқа калом илмига оид манбалар каби билим, гумон сингари тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришдан бошланади. Унга кўра, фанинг мақсади ҳақиқатга эришиш ҳисобланади, ақл унинг воситаси, эксперимент ва индукция эса унинг услубидир. Билим ва билиш тушунчалари бизнинг мулоҳазаларимизда ишончни билдиради ва унга қарши эса шубҳа ва гумон тушунчалари ишлатилади⁶. Файласуф ўз тадқиқотлари орқали ислом фалсафаси гносеологияси имкон қадар кенгроқ таҳлил қилишга ва шу орқали ислом фалсафаси гносеологиясининг катигориал тузилмаларини аниқлашга эътибор қаратади.

Унинг тадқиқотларидан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, ислом фалсафаси гносеологиясида билиш диний билим билан бир қаторда кенг тажрибага асосланган дунёвий билим орқали амалга ошади деган ғояни кўриш мумкин.

Қоҳира университети файласуфларидан Муҳаммад Абдуллоҳ Шарқовий ислом фалсафаси ва ундаги билиш жараёнларини тадқиқ этар экан, асосий эътибор танқид методига қаратади ва бу орқали ислом фалсафасини ўрганишнинг янада долзарб масалаларини кўтаради. “Ҳозирги замонда ислом ақлини ҳақиқатда ноаниқлик ва чалкашлик ҳолатлари ўраб олган. У танг аҳволни бошидан кечираётганга ўхшайди. Бизнинг фикримизча, бунинг сабабларидан бири танқидий қарашнинг йўқлиги”, - деб ўз фикрини баён қилади⁷.

Унга кўра, гумон ёки фалсафий танқид, ақлий тафаккурнинг энг муҳим унсурларидан бири ҳисобланади. Ушбу унсурлар инсонни ҳақиқатга етказадиган далилларни излаб топишга ундайди. “Зеро танқид ҳақиқатга олиб борувчи йўлдир. Ким шубҳаланса, назар солмаса, кўрмайди, ким кўрмаса кўрлик ва адашишда қолаверади”, - деб Ғаззолийнинг қоидасини мисол тариқасида келтиради. Шунингдек, қачонки калом уламоларидан банда учун биринчи вожиб бўлган нарса нима деб сўралганда, Абу Ҳошим: Бу шакдир, яъни шубҳадир деб жавоб берган, - дейди. Бошқа мутакаллимлар ҳам “Билишнинг асосий шarti шубҳа билан боғлиқдир”, - деган фикрларни айтганлар

Шарқовий калом илмидаги билиш масалаларини ўрганишда шубҳа билан бирга ақлий ҳужжатга ҳам алоҳида усул сифатида ёндашади. “Ислом инсонлардан дин ақидаларига иймон келтиришни талаб қилганда уларни

⁶ Али ат-Тантауи. Общее представление об Исламе – [http:// www.mozgolov.ru](http://www.mozgolov.ru)

⁷ Муҳаммад Абдуллоҳ Шарқовий . Ал-фалсафат ал-исламия ва иақвин ал-хисс ан-нақдий. – Қоҳира, 1997. – Б.25.

Тарих ва Жамият илмий журнали

мажбурлаш орқали ундамайди. Зеро имон табиати мажбурлашни инкор этади ишонч асло мажбурлаш йўли билан эмас, балки ақлий ҳужжатлар келтириш орқали амалга оширилади”, - дейди у ўзининг қарашларида.

Шу университетнинг файласуф олими Аҳмад Арафот ал-Қозий ўзининг маърузасида Қуръондаги фалсафий масалаларни, хусусан рационализм масалаларини таҳлил қилади. Унингча, ваҳийнинг мазмуни, яъни Қуръонда келган умумий коидалар қуйидагилардан иборатдир:

- a) Инсониятнинг ер-юзиди ҳалифаликка танланиши;
- b) Кишиларнинг ақлини ишлатишга чакирилиши;
- c) Инсоний табиъат ёки фитрат.

Кейинги даврда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ислом илоҳиётшунослигидаги рационаллашув ислом фалсафаси хусусан унинг гносеологик ва эпистемологик масалаларига ҳам катта таъсир кўрсатган. Оқибатда эса ҳозирга келиб ислом фалсафасидаги нафакат иррационал балки, рационал тамойиллар ҳам кенг миқёсида шаклланиши учун муҳим асослар ишлаб чиқилмоқда. Ва шу ўринда айтиш лозимки, ҳозирги кун фани ва фалсафасининг асосий талаби ҳам шунга монанд бўлиб, фаннинг кўпгина тарихий тадқиқот усуллари ва воситаларини ўзгартириш, метадологик таъминотни қайтадан кўриб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда. Бизнинг фикримизча, мазкур масалада ҳам маълум бир илмий меъёр ва чегараларга амал қилиш керак бўлади.

Қуръони Карим ақли Аллоҳ томонидан инсониятга ато этган бир малака, деб билганлигидан бу малакани ишлатмай қўйганлиги учун инсон ҳисоб-китоб қилиниши баён этилади. Шундай экан, инсон ақл ва тафаккурни ишга солиб, борлиқ ва махлуқотнинг табиатини чуқур ўрганишга буюрилгандир. Кўпгина мутакаллим кейин пайғамбарлар ва уларнинг мўъжизаларини тасдиқлаш навбати келади. Нақлга, яъни муқаддас китобларга иймон келтириш босқичида нақлнинг асосий ҳужжат эканлиги расулнинг ростгўйлигига боғлиқ, бўлади. Расулнинг ростгўйлиги эса пайғамбарни юборган Аллоҳнинг мавжудлигига асосланади. Аллоҳнинг борлигига иймон келтиришнинг йўли эса ақлдир”. - деб ўзларининг фикрини мантиқий далиллайди. Бундан иймон, дин ва исломнинг ҳаммаси тўлалигича ақлга асосланади, деган хулоса келиб чиқади. Шунингдек, исломда ваҳий ва борлиқнинг мўъжизалари-аломатлари орасида зиддиятнинг йўқлиги манбаларда билдириб ўтилган. Қуръони Карим ушбу маърифатни икки манбага кўра амалга оширган:

1. Кўриниб турган борлиқдаги Аллоҳнинг оятлари - мўъжиза аломатлари.
2. Қуръонда келган Аллоҳнинг оятлари.

Тарих ва Жамият илмий журнали

Шундан келиб чиккан холда айтиш мумкинки, ақл, нақл, хис этиладиган тажриба ва қалбий виждон - ислом фалсафасида билишнинг, яъни маърифат ва хидоятнинг тўрт услубидир. Бу услублар маърифат, ҳақиқат, ваҳий ва барча борлиқ тўғрисидаги илмларни ҳосил қилиш билан мукамал бўлади. Ислоннинг биринчи асоси ақлнинг иймонга пойдевор ёки васила - сабаб қилинишидир. Иккинчи асоси эса икки нарсанинг бири иккинчисига қарама-қарши келганда ақлнинг устун қўйилишидир. Ислон файласуфларига кўра, исломнинг уйига қуриладиган биринчи асос - бу ақлий назардир. Фақат ақлий назаргина тўғри иймонга васила бўлади. Шундай бўлсагина, назар кишини хужжат келтириш йўлига олиб чиқади ва уни ақл ишлатишга ундайди. Бунга қўшимча равишда XIX асрнинг буюк ислом файласуфи Мухаммад Абдунинг ушбу фикрларини келтириш мумкин: “Ислон миллатининг аҳли, яъни аҳли суннатнинг кўпчилиги - қачон ақл ва нақл бир бирига қарама - қарши келиб қолса, ақл далолат қилган ҳукм олинишини эътироф этганлар”.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирги кунга келиб ислом гносеологиясини ривожлантиришда мустаҳкам асослар бор. Бугунги кунда жамият муаммоларини ҳал қилишда, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларини мустаҳкамлашда Ғарб ва Шарқ олимлари ислом дини ва у асосида шаклланган ислом фалсафасига алоҳида эътибор қаратмоқда.